



## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ БОЛА ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ: ҚИЁСИЙ- ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Ибрагимов Диёрбек Шухрат ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни

муҳофаза қилиш академияси катта ўқитувчиси, PhD

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12783725>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-July 2024 yil

Ma'qullandi: 15- Juwy 2024 yil

Nashr qilindi: 19- July 2024 yil

### KEYWORDS

прокуратура органлари, бола ҳуқуқлари, атторнейлик хизмати, ювенал адлия, жиноий таъқиб.

### ABSTRACT

мазкур мақолада бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг ташкилий-хуқуқий шакллари таҳлил этилган. Шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатлар прокуратура органларининг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги фаолияти таҳлил этилган ҳамда уларнинг ижобий тажрибаларини мамлакатмиз прокуратура органлари фаолиятига жорий этиши юзасидан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органларини ташкил этиш ва улар томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий мақомидан, шунингдек давлат органларини ташкил этиш тизимидан келиб чиқиб белгиланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунё тажрибасида прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ икки ҳил тоифадаги мамлакатлар мавжуд. Биринчи тоифадаги давлатларда прокуратура органлари у ёки бу идора тизимидан ўрин олган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси жиноятчиликка қарши курашиш, судларда иштирок этиш ҳамда айблов идораси ҳисобланса, иккинчи тоифадаги давлатдарда прокуратура органлари мустақил бўлиб, бошқа идораларга бўйсунмаган ҳолда фаолият юритади ҳамда прокуратура органларининг асосий вазифаси нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, тергов қилиш, балки қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ҳам амалга оширишdir.

Бизнингча, мамлакатимизда прокуратура органлари томонидан вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини жорий этишда давлатнинг ҳуқуқий тизимини, иқтисодий салоҳиятини, жамиятдаги мавжуд анъана ва шарт-шароитларни ҳамда бошқа бир қатор муҳим жиҳатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳада қонунийликни таъминлаш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Бундан ташқари, прокуратура органларининг вазифалари турли давлатларда ўзига хос

эканлигини инобатта олсак, вояга етмаганлар соҳасида прокурор назоратини амалга ошириш, соҳада қонунийликни таъминлаш ҳам турли давлатларда турли давлат идоралари томонидан амалга оширилади. Хусусан, Ғарб давлатлари тажрибасига назар ташласак, уларнинг аксариятида прокуратура органлари судларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш каби вазифаларни амалга оширади. Жумладан, Германия прокуратурасининг асосий вазифаси жиноий таъқибни амалга оширишдир<sup>1</sup>. АҚШда прокуратура атторнейлик хизмати ҳисобланиб, бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимида унга ўхшали учрамайди ҳамда олимлар ҳокимиятнинг бўлиниши назариясидан келиб чиқиб уни ижро этувчи ҳокимият тизимига киритадилар<sup>2</sup>.

Лекин, айрим хорижий мамлакатлар прокуратура органларида умумий назорат функциясининг йўқлиги, ушбу давлатларда прокурор назоратини (умумий назорат) умуман йўқлигини англатмайди. Хусусан, Францияда барча даражадаги прокурорлар томонидан бажариладиган энг асосий вазифалар жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш устидан назорат қилиш ҳисобланади. Бош прокурорнинг асосий вазифаси эса аппеляция судлари юрисдикциясига кирадиган бутун ҳудудда жиноят қонунчилигининг қўлланилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳисобланади. Руминия прокуратураси эса судда жамиятнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилади ҳамда ҳуқуқий тартиботни назорат қилади. Польша прокуратурасининг вазифаси қонун устуворлигини ҳимоя қилиш, дастлабки терговни назорат қилишдир<sup>3</sup>.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, АҚШ, Европа ҳамда бошқа ривожланган давлатларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими анча ривожланган бўлиб, бу каби давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Ғарбий Европа давлатлари ва АҚШда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлатнинг маҳсус суд-ҳуқуқ тармоғи ювенал адлия тизими ҳимоя қилади. Шунингдек, АҚШда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими етарли даражада ташкил этилган бўлиб, унга кўра ҳар бир киши болаларга нисбатан зўравонликлар содир этилганлиги ҳақидаги шубҳалари юзасидан тегишли давлат идораларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Қоидага кўра, ҳар бир содир этилган зўравонлик ҳолатлари Болаларни ҳимоя қилиш агентлиги томонидан кўриб чиқилади<sup>4</sup>. Шунга ўхшаш маълумотлар М.Журичич, Т.Добрин, С.Паулин, С.Зупансич, Н.Братиналар томонидан ҳам баён этилган бўлиб, унга кўра “Словенияда ҳар бир инсон, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳаси мутаҳассислари, болаларни парваришлаш ва таълим бериш ходимлари қонунга кўра, маҳфийликдан қатъий назар, болаларга нисбатан зўравонликлар содир этилганлиги ҳақидаги гумонлари бўйича Ижтимоий иш

<sup>1</sup> Цмай В.В. Зарубежный опыт осуществления прокурорского надзора в сфере поддержания законности и правопорядка // В сборнике: НАУЧНАЯ СЕССИЯ ГУАП. сборник докладов: в 3 ч. Санкт-Петербургский государственный университет аэрокосмического приборостроения. 2017. – С. 321-324.

<sup>2</sup> Нафикова А.Р, Хамидов Р.И. Органы прокуратуры РФ и США (сравнительный анализ) // Вопросы российской юстиции. 2019. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organy-prokuratury-rf-i-ssha-sravnitelnyy-analiz> (дата обращения: 11.03.2022).

<sup>3</sup> Цмай В.В. Зарубежный опыт осуществления прокурорского надзора в сфере поддержания законности и правопорядка // В сборнике: НАУЧНАЯ СЕССИЯ ГУАП. сборник докладов: в 3 ч. Санкт-Петербургский государственный университет аэрокосмического приборостроения. 2017. – С. 321-324.

<sup>4</sup> Право и ребенка в США и России: сравнительное исследование // Электрон манба: <https://infourok.ru/prava-rebenka-v-ssha-i-rossii-sravnitelnoe-issledovanie-3628928.html> (мурожаат вақти: 14.03.2022).

марказларига, полицияга ҳамда прокуратура органларига хабар беришлари шарт"<sup>5</sup>. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг бу каби ижобий тажрибалари вояга етмаганларнинг бузилган ҳуқуқларини дарҳол бартараф этиш, қонун бузилишларга қарши жамоавий қурашиш, энг асосийси вояга етмаганлар ҳуқуқлари кафолатининг муҳим омили ҳисобланади.

Юқоридагиларнинг давоми сифатида қайд этиш лозимки, Россия Федерациясида бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида "Ишонч телефонлари"<sup>6</sup> ишга туширилган. Грузия Бола ҳуқуқлари тўғрисида кодексига кўра, мактабгача ва халқ таълими, профессионал таълим ташкилотларида болаларга нисбатан зўравонлик тўғрисида хабар бериш учун ишонч телефонлари йўлга қўйилган. Шунингдек, Грузия Халқ ҳимоячиси аппаратида доимий равишда (24/7) хизмат кўрсатадиган махсус ишонч телефоны орқали бола ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай масалалар бўйича қўнғироқлар қабул қилинади ҳамда ҳисботи юритиб борилади<sup>7</sup>.

Бундан ташқари, Франция тажрибасига назар ташласак, Францияда прокуратура судлар таркибида фаолият юритиб, адлия вазири томонидан бошқарилади<sup>8</sup>. Хусусан, прокуратура органлари жиноий, фуқаролик ва маъмурий соҳаларда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби кенг ваколатларга эга. Фуқаролик процессида прокурорнинг роли унинг бажарадиган функциялари аҳамияти билан белгиланиб, бу, биринчи навбатда судлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини назорат қилиш, ногиронлар, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўз аксини топади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Франция қонунчилигига кўра прокурорнинг фарзандликка олиш, вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни белгилаш ҳамда ўзгартириш каби ишларда қатнашиши мажбурий этиб белгиланган<sup>9</sup>.

Шунингдек, яқин Шарқ мамлакатларида ҳам прокуратура органларининг амалга оширадиган вазифалари турли ҳил кўринишда бўлиб, улар томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мазкур соҳада қонунийликни таъминлаш ўзига хослиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, Японияда прокуратура органлари ташкилий жиҳатдан Адлия вазирлиги таркибида бўлиб, ягона тизим тамойилига асосан фаолият юритади. Шу боис, бошқа Осиё-Тинч океани мамлакатлари билан солиштирганда, уларнинг назорат ваколатлари анча чекланган бўлиб, фақат полиция томонидан жиноятларни тергов қилиш ҳамда суд томонидан тайинланган жазоларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади<sup>10</sup>. Таъкидлаш жоизки, Японияда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

<sup>5</sup> Журичич М, Добрин П.Т, Паулин С, Зупансич М.С, Братина Н. Health care system for children and adolescents in Slovenia // The Journal of Pediatrics, October 2016, Volume 177, Supplement Pages s173-s186.

<sup>6</sup> Электрон манба: <https://edu.gov.ru/press/3443/centr-zaschity-prav-i-interesov-detey-zapuskaet-besplatnyu-goryachuyu-liniyu-po-okazaniyu-pomoschi-roditeleyam/> (мурожаат вақти 22.09.2022 й.)

<sup>7</sup> Грузия Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги кодекс // Электрон манба: <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/4613854?publication=2> (мурожаат вақти 22.09.2022 й.)

<sup>8</sup> Князева Е.Г. Прокурорский надзор в зарубежных странах // Юристъ-правоведъ, 2009, № 1. – С. 98-101.

<sup>9</sup> Мохов С.А. Функции Французской прокуратуры в гражданских правоотношениях // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 2011. № 13 (19). – С. 34-36.

<sup>10</sup> Гранева Л.А. Особенности прокурорского надзора в странах АТР // Colloquium-journal. 2019. № 16-7 (40). – С. 68-69.

қилиш, уларни ижтимоий ҳимоясини давлат томонидан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, ҳозирда ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ҳар жабҳасида ривожланиб бораётган Озарбайжонда ҳам прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ўзига хос хусусиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Озарбайжон прокуратураси вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан умумий ва бошқа назорат тартибида текширилишида иштирок этмайди<sup>11</sup>.

Дунёning илғор ривожланган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, мазкур давлатлар қонунчилига кўра прокуратура органларининг бажарадиган вазифалари орасида қонунчилик ижроси устидан назорат мавжуд бўлмасада, қонунларга риоя этиш, қонунийликни таъминлаш, энг асосийси вояга етмаганларнинг ҳуқуқларинини ҳимоя қилиш, уларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоясини таъминлаш тизими ривожланиб бормоқда. Фуқаролар томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига нисбатан бўлган ҳурматнинг чексизлиги, давлатлар қонунчилигига эса вояга етмаганларнинг ўзига хос ҳуқуқий мақоми принципи кенг жорий этилганлиги ҳамда унга амал қилиниши, аҳолининг судларга бўлган ишончининг юқорилиги ва бошқа бир қатор сабаблар туфайли ушбу мамлакатларда қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратига эҳтиёж сезилмайди, назаримизда.

Маълумки, вояга етмаганлар бошқаларга нисбатан қўшимча кафолатларга муҳтож тоифа ҳисобланади. Бироқ, вояга етмаганларнинг ичидаги ҳам алоҳида эътиборга, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган етим болалар ва ота-она қаромоғидан маҳрум бўлган болалар мавжуд. Жумладан, Россия Федерациясида давлат оиласидан тарбиянинг устуворлигини таъминлаб, қаровсиз қолган болаларга нисбатан ота-оналарнинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади<sup>12</sup>. Шунингдек, етим болалар ва ота-она қаромоғисиз қолган болалар муассасаларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари муҳим ўрин тутади. Жумладан, худудий прокуратура органларида етим болалар ва ота-она қаромоғисиз қолган болалар муассасаларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича “Ишонч телефонлари” ташкил этилган. Бундан ташқари, Россия Федерациясининг худудий прокуратура органлари веб сайтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида қонун бузилиши тўғрисидаги ҳабар бериш учун мумкин бўлган “Ишонч телефони”, шунингдек масъул прокуратура ходими ва унга боғланиш учун маълумотлар кўрсатиб ўтилган<sup>13</sup>. Ишларни ташкил этишнинг ушбу шакли самарали ҳисобланаб, у етим болаларнинг бузилган ҳуқуқлари тўғрисида имкон қадар тезроқ маълумот олиш ва натижада прокурор томонидан ўз вақтида таъсир чоралар кўриш имконини беради.

<sup>11</sup> Гасанов К.А. Ювенальная юстиция в Азербайджанской Республике // Деятельность органов прокуратуры по защите прав детей, находящихся в наиболее сложном социальном положении (детей-инвалидов, детей-сирот, детей, проживающих в семьях на отдаленных и труднодоступных территориях, и др.): сб. материалов круглого стола. – М., 2018. – С. 22.

<sup>12</sup> Конституция Российской Федерации // Электрон манба:[http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_28399/95c44edbe33a9a2c1d5b4030c70b6e046060b0e8/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_28399/95c44edbe33a9a2c1d5b4030c70b6e046060b0e8/) (мурожаат вақти: 04.04.2022 й).

<sup>13</sup> Ережипалиев Д.И., Огурцова М.Л. Прокурорский надзор за соблюдением прав несовершеннолетних, пребывающих в организациях для детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей // Пособие, Унит прокуратуры РСФСР. – М., 2020. – С.34.

Эътироф этиш жоизки, вояга етмаганларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, мазкур соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш борасида Қозоғистон ҳам илғор тажрибага эга бўлган давлатлардан бири ҳисобланади. Хусусан, Қозоғистон инсон хуқуқларига оид 60 га яқин ҳалқаро ҳужжатларни ратификация қилган бўлиб, уларнинг 15 дан ортиғи бевосита бола хуқуқлари билан бевосита боғлиқдир. Таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек вояга етмаганларнинг хуқуқларини ҳимоя қилишда иштирок этувчи нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш вазифасини бажаради<sup>14</sup>. Шунингдек, прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш борасида Қозоғистон тажрибаси шуни кўрсатадики, қонун ҳужжатлари ижроси устидан текширишларни амалга ошириш муддати худди Россия Федерациясида бўлгани каби ўттиз иш кунидан кўп бўлмаган муддатни ташкил этади<sup>15</sup>.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати шундан иборатки, Қозоғистон Республикасида вояга етмаганларнинг хуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлашда бошқа Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида деярли учрамайдиган “ювенал адлия” тизими жорий этилган. Хусусан, 2008 йил 19 августда “Қозоғистон Республикасида 2009-2011 йилларда ювенал адлия тизимини такомиллаштириш Концепцияси” қабул қилинган бўлиб, айтиш жоизки, айни пайтда мазкур Концепцияда белгиланган болалар хуқуқларини ҳимоя қилишни ривожлантириш стратегияси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур концепция қоидалари таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш жоизки, “ювенал адлия” тушунчаси вояга етмаганларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг бутун тизимини ўз ичига олади<sup>16</sup>.

Фикримизча, ривожланган хорижий мамлакатларда жорий этилган ювенал адлия тизимини миллий қонунчилигимиздан, амалдаги мавжуд хуқуқий тизимдан ва бошқа бир қатор муҳим омиллардан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимизда жорий этиш масалаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Зоро, булар вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишга алоқадор бўлиб, ўзининг бевосита таъсирини ўтказади, назаримизда.

Хусусан, кўплаб хорижий мамлакатларда ювенал адлия тизими ривожланган бўлиб, ушбу институт вояга етмаганларнинг хуқуқларини ҳимоя қилишда, улар ўртасидаги хуқуқбузарликларни олдини олишда, бундан ташқари улар томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликка тортишда ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Ҳозирда, 60 дан ортиқ хорижий мамлакатларда ювенал адлия (Juvenile Justice) тизими кенг ривожланган.

<sup>14</sup> Мулакова Д.А. Работа органов прокуратуры Республики Казахстан с детьми, находящимися в трудной жизненной ситуации // Деятельность органов прокуратуры по защите прав детей, находящихся в наиболее сложном социальном положении (детей-инвалидов, детей-сирот, детей, проживающих в семьях на отдаленных и труднодоступных территориях, и др.): сб. материалов круглого стола. – М., 2018. – С. 47.

<sup>15</sup> Закон “О прокуратуре” Республики Казахстан // Электрон манба: [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31690116&pos=5;-106#pos=5;-106](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31690116&pos=5;-106#pos=5;-106) (мурожаат вақти: 05.04.2022 й).

<sup>16</sup> Сыбанкулов Е. М. Проблемы совершенствования прокурорского надзора за исполнением законов о защите прав детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей, в Республике Казахстан и Российской Федерации // Проблемы в российском законодательстве. 2018. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-sovershenstvovaniya-prokurorskogo-nadzora-za-ispolneniem-zakonov-o-zashchite-prav-detey-sirot-i-detey-ostavshihsyu-bez> (дата обращения: 05.04.2022).

Хулоса сифатида таъкидлаб ўтиш лозимки, ривожланган хорижий мамлакатларнинг вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш борасидаги илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш ва бу орқали прокуратура органларининг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

